

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг Термиз туманидаги ижроси



Мактабгача таълим ташкилотларида

Юртимизда жорий йил 20 октябрдан 1 декабрга қадар “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Долзарб 40 кунлик” ўтказилмоқда. Шу муносабат билан Термиз туманидаги барча маҳаллаларда, ташкилот, корхона ва муассасаларда кузги мевали ва манзарали дарахт, бута ҳамда гул кўчатлари ўтқазиш ишлари олиб борилмоқда.

Бугун тумандаги мактабгача таълим ташкилотларида ҳам бўш ер майдонлари, ташкилотлар атрофидаги бўш ерларга дарахт, бута ва гул кўчатлари экиш ишлари тadbирлари ўтказилди.

Шунингдек, баҳорги мавсум учун кўчатлар тайёрлаш мақсадида қаламчалар қадаш ишлари амалга оширилди.